

ҚАРИЯЛАР АҲДИ

Ҳар биримиз ўн тупдан ниҳол экамиз, — дейди яккабоғлик Зикрилло ота Муродов

Юртимизда кексалар хамиша ардоққа бўлиб келган. Бу бизга ота мерос. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 9 йиллигига бағишлаб ўтказилган тантаналарда 2002 йилни «Қарияларни қадрлаш йили» деб эълон қилиниши биз нурунийларнинг кўнгилмизни тоғдек кўтарди.

Урмининг ярим асрдан зиёд қисми ишлаб чиқаришда ўтди. Беш нафар фарзандим, 20 нафарга яқин неварачеваларим бор. Пири бадавлат кексалик гаштини сураяман. Ҳаётимизнинг тобора фаровонлашиб, юртимизнинг кун сайин обод бўлиб бораётганини кўриб, ич-ичдан қувонмоқдаман. Тенгдошларимнинг ҳам шуқронаси ўзи билан: Нафақамизни ўз вақтида олиб турибмиз. Кўрсатилаётган эътибор ва гамхўрлик учун ҳар қанча миннатдорлик билдирсак ҳам ос.

Тўғриси, истиқлол шаурофати ила юз бераётган ўзгаришларни кўриб уйда ўтиролмай қолдик. Биз ҳам ўзимизнинг улусимизни қўшсак, деган ният ҳеч тинчлик бермаётди.

«Турнабулоқ» ширкат ҳўжалигимиз раҳбари, барака топгур, Хошимжон Жалилов тадбиркор, изланувчан йигит чиқди. Кўпгина масалаларда биз кексалар билан бамааслахат иш тутади. Айниқса, кўкаламзорлаштириш ишларига қаттиқ киришган. Бу бизни ҳам илҳомлантириб юборди. Юртимизни боғ-роғларга айлантириш мақсадида келаси баҳорда ҳар биримиз ўн тупдан мевали дарахт кўчати ўтказишга аҳд қилдик. Бу тақдир фарчага бирдек маъқул тушди. Оқсоқоллар Шермат Жалматов, Мусурмон Бобоқуллов, Қаршибой Эшназаров, Эшмурод Бектошов биринчилардан бўлиб қўллаб-қувватлашмакларини маълум қилишди.

Ташаббуснинг қаноти бор, деб бежиз айтишмайди. Шубҳа йўқ, воҳамиз кексалари ҳам хайрли тадбирдан четда қолишмайди. Зеро, юрт равнақи, фаровон ҳаёт учун қанча жон куйдирсак ҳам ос. Белгимизда қувват, билагимизда қучимиз бор экан, яратувчил ишига баҳолуқ-қудрат ҳисса қўшаверамиз.



ИШОНСН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ 2001 йил 14 декабр, жума № 195 (1208) СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ЕВРОПАГА ЙЎЛ ЕВРОПАНИНГ ҚАЛБИДАН БОШЛАНАДИ

Президент Ислон Каримов 10-12 декабр кунлари расмий ташриф билан Австрия Республикасида бўлди

Фарбада Австрия - Европанинг юраги, дейдилар. Бу ўлка Европанинг қоқ марказида жойлашган. Лекин фақат жургрофий омиллар туфайлигина унга бундай сифат берилмаган. Австрия катта-катта халқаро анжуманлар ўтадиган, Шарқий ва Ғарбий Европа мамлакатлари ўртасида кўпrik вази фасини бажарадиган мамлакатдир. Венада Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг расмий қароргоҳларидан бири жойлашган. Бундан ташқари, Австрия пойтахтида Нефт экспорт қилувчи мамлакатлар ташкилоти (ОПЕК), ЕХТнинг котибияти ва доимий кенгаши, Халқаро атом энергетикаси агентлиги (МАГАТЭ), шунингдек, ЮНИДО сингари БМТнинг бир неча кўйи ташкилотлари ишлайди. Мамлакатнинг ўзи Европа Иттифоқидаги жараёнларнинг, халқаро тинчликни сақлаш операцияларининг, экологияни яхшилаш борасидаги саяё-ҳаракатларнинг фаол иштирокисидир. Унинг барқарорлиги мустақамлаш, мижорларнинг олдини олиш, экологик муаммоларни бартаф этишга қаратилган ташки сийёсати халқаро ҳам-жамиятнинг эътирофига сазовор бўлган.



KARIMOV

ри Франц Враницкий билан учрашди. Сўхбат мавзуини асосан иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган амалий саяё-ҳаракатлар билан боғлиқ масалалар ташкил этди. Хофбург саройида Президент Томас Клестил билан бўлган учрашув ниясида эса ўзаро иқтисодий алоқалар кўламини кескин кенгайтирадиган келишувларга эришилди. Юк ташви соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжат товарлар оқимини оширишга хизмат қилади, йўлда учрайдиган турли тўсиқларни бартаф этади, транспорт воситаларининг ҳаракатини осонлаштиради.

Темир йўл компаниялари ўртасида қабул қилинган ҳужжатнинг камрови ҳам жуда кенг. Унда Ўзбекистондаги темир йўл тўрмоқларини замонавийлаштириш, қувватини ошириш, бу тармоқларни кенгайтириш учун йирик минтақавий лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, соҳа хизматларининг малакасини ошириш кўзда тутилган. Ҳужжатда трамвай ва метро йўлларини замонавийлаштириш ва қувватини оши-

риш масаласига ҳам эътибор берилган. Австрияда саяёхлик соҳаси юксак даражада ривожланган. 8 миллион нуфусли мамлакатга йилига 20 миллионга яқин хорижий саяёх келади. Шу боис, бу соҳа Австрия иқтисодининг таянч соҳаларидан бирига айланган. Шаҳарлардаги қадимий обидалар, осори атика билан бир қаторда, тоғларда сақланиб қолган табиий гўзаллик ҳам одамларни ўзига тортади.

Ислон Каримовнинг ташрифи чоғида «Ўзбектуризм» миллий компанияси билан Австриянинг «Olimpia Rescen Vienna» ҳамда «Wind Rose» саяёхлик компаниялари ўртасида ҳамкорлик тўғрисида битимлар қабул қилинди. Австрия Сайёхлик агентлари ва операторлари уюшмаси билан ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланди. Бу ҳужжатларга кўра, томонлар ўз олдида саяёхлик соҳасида ишлайдиган ташкилотлар ўртасидаги ҳамкорликни рағбатлантириш, улар учун кулайлиқлар яратиш, ахборот алмашиш, турли босма нашрлар, фотосуратлар ва ви-

деоматериаллар тарқатиш, кўрғазма ва симпозиумлар уюштириш, соҳага сармоя жалб этиш каби қўллаб-қувватлашни кўзда тутади. «Salzburger Tourismus Schulen» компанияси билан тузилган шартнома эса меҳмонхона бизнеси бўйича мутахассислар тайёрлашни кўзда тутади.

Венада қабул қилинган яна бир ҳужжат эса таълим соҳасига тегишли. У Мирзо Улўғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетини билан Вена университети ўртасида ҳамкорликни йўлга қўйди. Икки университет олимлари, аспирантлар, талабаларнинг борди-келдисини ривожлантиради, илмий материал алмашади, илмий лойиҳалар ва дастурлар ишлаб чиқиб, амалга оширади, биргаликда илмий симпозиум, семинар ва конференциялар уюштиради. Келишувга биноан эндиликда факултетлараро мустақил ҳамкорликни ривожлантиришга йўл очадиган янги ҳужжатлар тайёрлаш ҳам мумкин.

Вена университети 1365 йилги ташкил этилган ва аҳолиси немис тилида гаплашувчи мамлакатларнинг

олий ўқув юртлири орасида энг қадимийси ҳисобланади. Австрия университетлари фақат таълим бериш билан чекланмай, Ўзбекистондаги каби илмий тадқиқотлар маркази вази фасини ҳам бажаради.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, таъкидлаш жоизки, Ислон Каримовнинг Австрияга ташрифи гоят самарали кечди ва фойдали натижаларга бой бўлди. Унинг яна бир аҳамиятли томони шундаки, Австрия раҳбарлари билан учрашувларда томонлар қўллаб-қувватлашга ҳамкорлик эҳтисоби аён бўлди. Бу эса ўзаро ишонч мустақамлигини кўрсатади. Президент Томас Клестил 11 сентябр воқеаларидан кейин дунё мамлакатларининг диққат маркази Марказий Осиёга қаратилгани ҳақида гапирар экан, Ўзбекистоннинг халқаро ҳавфилиқ масалаларига муносабати, бу борада юритаётган мустақил сийёсати, хусусан, халқаро аксилтеррор коалициясига қўрсатаётган ёрдами гоят муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади. Австрия раҳбари минтақамизга таъкидловчи омилиларни жуда яхши билади ва Ўзбекистоннинг бу борадаги нуктаи назарини, қарашларини эътироф этади.

Сийёсий муносабатлардаги ўзаро ишонч ва эҳтиром, табиийки, иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш учун яхши пойдевор бўлади. Президент Ислон Каримовнинг айтишича, айни пайтда икки мамлакат мутахассислари ишбилармонлар учун алоҳида кулайлик ва имтиёзлар тартибини жорий этиш, австриялик тадбиркорларнинг Ўзбекистонга визасиз келиб-кейтиш учун имконият яратиш масалаларини устида ишламоқда.

Таъкидланганидек, Австрия - Европанинг юраги. Ислон Каримовнинг сафарини Европада унинг қалби орқали кириб боришимиз учун янги имкониятлар яратди, десак асло муболага бўлмайди.

Анвар БОБОЕВ, ЎзА махсус мухбири, Тошкент-Вена-Тошкент.

Қашқадарё вилоят ҳокимлигида «Ўзбекистон юксалиш йўлида» деб номланган туркум китоблар тақдимоти ўтказилди. «Ўзбекистон» нашриётида чоп этилган ушбу китобларда Президент Ислон Каримовнинг мустақил ўзбек давлатини барпо этиш ва ривожлантиришга

ТАҚДИМОТ

қаратилган сийёсати кенг очиб берилди. Ватанимизда ўн йил мобайнида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари, аҳолининг янгича турмуш тарзи ҳақида ҳикоя қилинади.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон давлат матбуот қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Р.Сафоев, «Ўзбекистон» нашриётининг директори Ў.Зокиров, Қарши Давлат университети профессор О.Журақуллов ва бошқалар туркум китобларнинг мавзуи, уларнинг маънавий ҳаёти-миздаги ўрни ва аҳамияти ҳақида гапирдилар.

(ЎзА).

ҲУЖЖАТЛАР ИМЗОЛАНДИ

Тошкентда АҚШ савдо ва тараққиёт агентлиги (USTDA) билан Ўзбекистон почта ва телекоммуникация агентлиги, «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акционерлик компанияси, «Ўзбекэнерго» давлат акционерлик компанияси, «Ўзбектуризм» миллий компанияси, «Ўзтибмаҳсулот» акционерлик компанияси ўртасида ўзаро англашув меморандумлари имзоланди. Мазкур ҳужжатлар USTDAнинг мамлакатимиз халқ ҳўжаларининг телекоммуникация, темирйўл транспорт, энергетика, тиббиёт ва саяёхлик каби устувор соҳалари бўйича лойиҳаларни ҳаётга жорий қилишни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратишни кўзда тутади.

Ҳужжатларга АҚШ томонидан USTDAнинг минтақавий директори Дэниэл Стейн, Ўзбекистон томонидан номлари зикр

этилган ташкилотларнинг раҳбарлари имзо чекди.

Айни пайтда USTDA делегацияси Ўзбекистонда амалга оширилиши режалаштирилаётган бир қатор лойиҳаларни ўрганмоқда.

Имзоланган бешта ҳужжат ўзаро ҳамкорлигимизнинг энг муҳим йўналишларни аниқлаб олишга ёрдам беради, - деди Д.Стейн. ЎзА мухбири билан сўхбатда. - Мазкур соҳалар бўйича Ўзбекистон ҳукумати тақдим этган лойиҳалар агентлигимиз томонидан чўчур таҳлил қилингандан сўнг, уларни ҳаётга жорий қилиш учун АҚШ томонидан грант ажратилади. Имзоланган ҳужжатлар АҚШ Ўзбекистон билан ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантиришга жиддий эътибор қаратаётганидан яна бир далолатдир.

С. РАҲИМОВ, ЎзА мухбири.

САЙЁРАМИЗ САДОСИ

ТАСЛИМ БЎЛИШМОҚДА

Маълумки, аксилтеррорчи иттифоқ кўмондонлари таслим бўлиш ҳақида қатъий шарт қўйган, белгиланган муддат тугаган бўлса ҳам Кандаҳор ҳамда Жалолобод шаҳри яқинидаги Тара-Бура масканига яширинган террорчилар қаршилик қўрсатишни давом эттирмоқда эдилар. Шундан сўнг АҚШнинг ҳарбий самолётлари мазкур минтақаларга жуда катта вайронна ҳосил қилувчи бомблар ёғдириб, мухождлар қуролларини ташлашга ва таслим бўлишга мажбур бўлдилар. Лекин «Ал-Қолада» раҳнамоси Усама бин Лоденнинг қаердалиги ҳамон номаълум бўлиб турибди.

Айни пайтда БМТ БУКотибининг махсус вакили Лаҳдар Браҳими Қобулда Афғонистонга тинчликпарвар кучларни киритиш масалалари билан шугуullanмоқда.

ВАЗИЯТ ҲАМОН ҚАЛТИС

Исроил ва Фаластин мижорлари тобора қалтирлашмоқда. Фаластиндаги «Иззедин ал-Қоидим бригадаси», «Ал-Ақсо эскадрони» ва «Тикланш отряди» гуруҳлари рамазон ойи тугагунга қадар яхшудийларга қарши ҳеч қандай ҳаракат қилмаслигини маълум қилганидан сўнг ҳам икки ўртадаги қуролли тўқнашувлар пасаймади. Қуни-кеча Исроил ҳарбийлари Фазо минтақасини ракета-лардан ўққа тутдилар. Фаластин томони эса ушбу ҳудуддаги яхшудийларнинг яшаш манзилгоҳларини нишонга олдилар. Ушбу тўқнашувлар натижасида бир неча киши қурбон бўлди. Ўнлаб одамлар эса жиддий жароҳат олдилар.

МАРИЯ НОМИДАГИ МУКОФОТ

Италиянинг Милан шаҳри маъмурияти «Коррера делла сера» газетасининг Афғонистонда ўлдирилган мухбири Мария Грация Кутули хотираси учун махсус мукофот таъсис этди. Мазкур совин вақти-вақти билан аёллар ҳуқуқини ҳимоя қилиш мавзусида қалам тибратаётган журналистларга берилади. Интернет ва жаҳон оммавий ахборот воситалари ҳабарлари асосида тайёрланди.

ТАЭКВАНДОЧИЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ

Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида ниҳоясига етган «Буюк Пётр кубоги» учун таэквандо ИТФ бўйича аънанавий халқаро турнирда 26 давлат вакиллари иштирок этди. Мамлакатимиз спортчиларини бу ерда яхши билишди. Невя бўйларидан ўтказилган барча мусобақалардан ўзбек таэквандочилари медаллар билан қайтишган.

Жорий йилда ҳам спортчиларимиз 9 та олтин, 1 та кумуш ва учта бронза медалини кўлга киритди. Умумжамоа ҳисобида «тил» усулида Инна Хегай, Алефтина Ким, Наргиза Умарова, Шаҳноза Шўхрат-хўжаева, Флора Бектемирова ва Елена Когай олтин медалларга сазовор бўлди. Эркақлар жамоаси эса умумжамоа ҳисобида учинчи ўринга кўтарилди.

«Тил» усули бўйича шахсий мусобақаларда Флора Бектемирова голиб чиқиб, олтин медал соҳибаси бўлган бўлса, Алефтина Ким шахсий ҳисобда «массоги» усулида кумуш, «тил» усулида бронза медалини кўлга киритди.

Шунингдек, Михаил Чистяков ҳам «тил» усулини бажариш бўйича олтин медал соҳиби бўлди. Дониёр Маҳамов эса намунали чиқишларда жуда яхши иштирок этиб, олтин медал билан тақдирланди.

Санкт-Петербургда кўлга киритган галабамиз билан юртдошларимизни хурсанд қилганимиздан бахтлимиз, - дейди Дониёр Маҳамов. - Чунки, бу ерда ҳар доим энг кучли таэквандочилар йиғилади. Шу билан бирга, яхши тайёргарлик базаси ва кучли мактабга эга бўлган энг кучли таэквандочилар, деган номни сақлаб келаётганимиздан ҳам хурсандимиз.

(ЎзА).

Ишоннинг табиати қизик. Ҳамма нарса бадастир бўлса-ю, бир нарсадан кўнгил ҳижил тортса еган-ичгани татаймайди. Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги Парни Турсунбоев 3-тор кўча 70-Б уйда яшовчилар ҳам ҳозир худди шундай қайфиятда юришибди. Буни уларнинг тахририятимизга йўллаган шикоят хатларидан ҳам билиб оلسа бўлади.

«Кейинги 10 йил давомида биз, айниқса, 4-қаватда яшовчилар қорли-ёмғирли кунларда кўп азият чеқмоқдамиз. Сабаби — уйимиз томондан чакка ўтади. Хоналаримиз тоғора-ю, челақка тўлиб кетади. Туманимиздаги Очил Божожон номли уй-жой мулкдорлар ширкати раиси Фозил Иноғомжонов эса ваъдадан нарига ўтмапти.

Биз мазкур уйда бўлиб, хонадон соҳибларининг фикрлари билан қизикдик: **Мадина Юсупова, 31-хонадон соҳибаси:** Егингарчилик бошланди дегунча ишни ташлаб бўлса ҳам уйга юғрамыз. Чунки сув ўрдақ сузиб юрадиган даражага етади.

**Валерий Пак, 32-хонадон соҳибаси:** Ҳамма ёқдан чакка ўтгани етмагандек кишини ёзин юқори қаватларга совуқ сув чиқмайди. Лекин пулини тўлаймиз. Ширкатга бориб: хой, барака топқурлар, фойдаланилмаган сувга ким пул тўлайди. Уни қаватга пулидан чегириб ташланглар, де-

«Ишонч» бонг уради

Биз шунча ҳаракат қилиб расида бирон-бир ҳўжли жавоб қолмадик. У кишининг топиб айтган гаплари «эртага бориб

рилган фикрларга қайтамыз. «Илгари ЖЭК эди, ҳозир ширкатга айланган бўлса ҳам «Эски ҳаммом, эски тос». Ширкатнинг фойдаси қани, маблағлар қаерга сарфланмоқда. Ёки ширкатнинг «хурмачаси» тешикми?

Дарҳақиқат, шикоятчиларнинг талаблари ҳаққоний. Буни оддий ҳисоб-китобдан ҳам билиб оلسа бўлади. Чунки мазкур уйда 48 та хонадон яшайди. Уларнинг ҳар бири 5 минг сўмдан тўлаган тақдирда ҳам ойига 200 минг сўмдан зиёд маблағ тўланади. 5 ойда миллион сўм. Наҳотки, шу маблағга таъмирлаш ишларини амалга ошириш мумкин бўлмас?

Ваҳоланки, II қақирқ Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгазининг навбатдан ташқари сессиясида ҳам уй-жой ширкатлари томонидан кўп қаватли уйлар яхши таъмирланмаётгани ва сув билан таъмирлаш масаласи яхши ҳал этилмаётгани алоҳида таъкидлаб ўтилганди. Афсуски, ахвол жуда секинлик билан ўзгармоқда. Ақс ҳолда юқоридаги каби шикоятлар ёзилмас эди.

**Неъмат РАФИҚОВ, «Ишонч» мухбири.**

ҚИШ ТАШВИШИ ҚАЧОН ТУГАЙДИ?

сак ҳам фойдаси бўлмади. **Феруза Набиева, 24-хонадон соҳибаси:** Томдан чакка ўтаверганидан поллар кўчиб кетди. Туман раҳбарлирга, шу ҳудуддан, ширкат раисига мурожаат этавериб чарчадик.

Томни кўздан кечирдик. Шағали уйнаб ётибди. Шамол қора қоғозларни учуриб кетарми. Ҳамма ёқ элақдек илматешик. Бундай ҳолда 70-Б уйда истиқомат қилувчилар кишини қандай ўтказишаркин?

Мана шу саволга жавоб топиш учун ширкат раиси Фозил Иноғомжонов билан учрашдик. — 70-Б уйдаги ахволдан хабардормисиз?

— Ҳа, албатта, бир неча марта бориб кўрдик. Лекин маблағ масаласи...

битумга буюртма бериб келаман», «Бажарамиз»дан нарига ўтмади.

Шундан сўнг масалага ойдинлик киритиш мақсадида Собир Раҳимов туман коммунал фойдаланиш бошқармасининг бошлиғи Мирботир Аъзамовга учрашдик. У киши ҳам ганини ваъдани катта беришдан бошладилар. Шунда биз:

— Айтинг-чи, мабодо ўзингиз шу уйда турганингизда нима қилар эдингиз, - дея сўрадик.

У эса гапни четга бурди. Мана шу сўхбат бўлиб ўтганига ҳам 2 ҳафтадан ошди. Ҳамон жимжитлик. На қурувчилардан дарак бор, на амалий ишдан.

Яна шикоят хатида келти-

# АҲОЛИНИНГ БЎШ ПУЛ МАБЛАҒЛАРИ

### «Пахтабанк»нинг Жиззах вилоят бошқармасига кичик ва ўрта бизнес субъектларини имтиёзли кредитлаш имконини бермоқда

— Кичик корхонами ташкил этиш бўйича Арнасой туман ҳокимининг қарори чиққандан сўнг тўғриси, бошим қотиб қолди, — дейди «Баҳор» хусусий ишлаб чиқариш фирмаси раҳбари Гулбаҳор Тўраева. — Чунки ишни бошлаш учун маблағим етишмасди. Ҳеч иккиланмасдан «Пахтабанк»нинг Ю.Фучик бўлимига бордим. Банкдагилар мени илик қутиб олиши ва киска мuddат ичида имтиёзли кредитлаш жамғармасидан 3 миллион сўм қарз ажратди. Ушбу маблағ ҳисобига 6 та ип йигирув машинаси сотиб олиб, 15 нафар ёш кизни иш билан таъминладим. Натижанда бугунги кунгача тузилган шартномалар асосида ҳўжалик корхона ва ташкилотларга 1,5 миллион сўмлик махсус кийимлар ва 300 минг сўмлик совға гиламлари етказиб берилди.

боғчасига 538 минг сўмлик гўшт ва сут маҳсулотлари етказиб берди. Олинган фойда ҳисобига қарзининг асосий қисmini мuddатидан олдин тўлаб қўйди. Иш билармонларни кредитлашда бюджетдан ташқари фондлардан ҳам самарали фойдаланилмоқда. Мисол учун, ўтган ўн ой давомида вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бошқармасидан бу мақсадларга 93,6 миллион сўм маблағ йўналтирилди. «Бизнес фонд»нинг тадбиркорларга қарз беришдаги улуши 29 миллион сўмдан зиёд маблағни ташкил этди. Мижозларга кўрсатилаётган банк хизмати турларини кўпайтириш ва уларга қулайликлар яратиш мақсадида жойларда бир нечта мини банклар очилди. Зомин туманидаги «Ғалаба», Зафаробод туманидаги С.Раҳимов номли ҳўжаликларда очилган кичик банклар шулар жумдасида. Арнасой туманидаги «Самарқанд» жамоа ҳўжалиги ва шу атрофдаги миждозлар илгарилари деярли ҳар кун иш узоқ масофа йўл босиб марказга қатнашга мажбур эдилар. Эндиликда улар мушқули осон бўлди. Чунки бу ерда мини банк ишга тушди. Зарбдор туманидаги «Шарк юлдузи» ва бошқа ҳўжаликлар ҳудудидаги миждозларга ҳам ана шундай шароит яратиб берилди. Айни чоғда бу ерда фаолият кўрсата бошлаган кичик банк 207 та фермер ҳўжалигига талабалар даражасида хизмат кўрсатмоқда. Хуллас, бошқарма бугунги кунда жами 3552 нафар миждозга малакали хизмат қилмоқда. У ш маблағлари манбаини ўстириш ва миждозларга кредит ажратиш фаолиятини янада кенгайтиришга эришди. Бу эса ўз навбатида вилоят иқтисодийнинг ўсишида ва янги-янги иш ўринларини яратилишида муҳим аҳамият касб этди. Биргина юқоридagi ажратилган маблағлар ҳисобига вилоят бўйича 550 тага яқин янги иш ўрни ташкил этилди.

Фулон ЮСУПОВ, «Ишонч» мухбири.



Кувасой шахридаги «Кварц» ҳиссадорлик жамиятида 3200 нафар ишчи меҳнат қилади. Бу ерда уларга кўнгилдагидек шароитлар яратилган. Айниқса, жамиятга қарашли «Даволаш-соғломлаштириш» маркази жамоаси намунали тиббий хизмат кўрсатмоқда. Марказ 60 ўринга мўлжалланган бўлиб, у асосан, ички касалликларни даволашга ихтисослашган. Беморлар муолажаси, дори-дармонлар, тўрт маҳал иссиқ овқат билан таъминлаш бепул йўлга қўйилган. **Суратда: (чапдан) ҳамшира Маҳбуба Мадидёрова ва кичик тиббий ходима Замира Эргашева. Муқимжон КОДИРОВ (ЎЗА) олган сурат.**

**«Заковат» тадбиркорлики ахборот билан қўллаб-қувватлаш жамғармасида Қонар Аденауэр жамғармаси, «Иқбол» ёшлар маркази ҳамкорликда ўтказган йиғилишида Ўзбекистонда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, қишлоқ инфратузилмасини яхшилашда амалий ёрдам кўрсатиш, ёшлар ўртасида ишсизлик муаммосини ҳал этишга бағишланган концепция лойиҳаси муҳокама этилди.**

## АМАЛИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИЛАДИ

Қизиқарли руҳда ўтган суҳбатда мазкур лойиҳа жойларда ўтказилган ўқув-семинарларида билдирилган фикр-мулоҳаза ва тавсиялар ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқилгани, қишлоқда қўшма корхоналар очиш йўли билан янги иш ўринларини барпо этишга алоҳида аҳамият берилгани таъкидланди. Жойларда лойиҳа талаблари икки босқичда амалга оширилади. Шу мақсадда дастлаб ўқув-семинарлари ташкил этилади, сўнгра уларда ишлаб чиқилган тадбирлар амалда бажаришга киришилади. (ЎЗА).

## НАФАҚАХЎРЛАР ЎЪЗОДА

Андижон шахар ижтимоий таъминот бўлимида Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг янги автоматлаштирилган бошқарув тизими жорий этилмоқда. У нафақаларни тайинлаш ва қайта ҳисоблаш жараёнини анча тезлаштириш имконини беради. Агар илгари битта иш бўйича зарур ҳисоб-китобларни бажариш учун бир кунлик вақт сарфланган бўлса, эндиликда компьютерга керакли маълумотларни киритиб, бир неча сонияда жавоб олиш мумкин. Бўлим хизмат кўрсатадиган миждозлар сони бир неча мингга ташкил этишини инобатга олсак, янгилик жуда кўп вақтни тежашга аниқ.

— Шу кунларда вазирлик томонидан ажратилган 11 та компьютерга нафақахўр ва ногиронларнинг аксарияти тўғрисидаги маълумотлар киритилган, — деди бўлим мудири Б.Қариева. — Қарияларни қадрлаш йили деб эълон қилинган келгуси йил бошигача барча ахборот компьютерга киритиб бўлинади. Компьютерлаштирилган нафақахўр ажратилган маблағларни олиши устидан назоратни яхшилаш борасида ҳам ёрдам беради. (ЎЗА).

**Тошкент шахар маданият ходимлари қасаба уюшма кўмитасининг IV пленуми бўлиб ўтди. Унда Тошкент шахридаги тармоқ корхона ва ташкилотларнинг қасаба уюшма кўмиталари раислари, фаоллар иштирок этдилар.**

## ЖАМОА ШАРТНОМАЛАРИ — ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ АСОСИ

Кун тартибдаги асосий масала тармоққа тегишли корхона, ташкилот ва муассасаларнинг қасаба уюшмаларида «Она ва бола» Давлат Дастурининг ижроси, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексида мувофиқ қасаба уюшма кўмиталари ва иш бевуқлар ўртасида жамоа шартномалари тузишнинг бориши, уларда меҳнатқашларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, кам таъминланган, кўп болали оилаларга кўрсатилаётган моддий ва маънавий ёрдам ҳамда имтиёзларнинг қандай амалга оширилишига қаратилди. — Жорий йилда 155 та жамоа шартномаси тузилиб, 219 та ташкилот қамраб олинди, — дейди Тошкент шахар маданият ходимлари қасаба уюшма кўмитаси раиси Саид Алимхўжаев. — Уларда тармоқ меҳнатқашларини мод-

дий ва маънавий қўллаб-қувватлашни кучайтириш, меҳнат шароитларини яхшилаш, ходимлар ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш, маданий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш каби қулайлик ва имтиёзлар белгиланган. Айниқса, «Оналар ва болалар йили» муносабати билан аёллар ва улар фарзандларининг ижтимоий ҳимоясини кучайтирди. Хусусан, кам таъминланган оилаларга тармоқ бўйича 3 миллион сўмликдан зиёд моддий ёрдам кўрсатилди. Тармоқдаги 43 та корхонада Мустиқликнинг 10 йиллиги арафасида 2 ёшдан 3 ёшгача фарзанди бор аёлларга 416 минг сўмлик моддий ёрдам берилди. 48 та корхонада эса 67 нафар хотин-қизга ҳақ тўланадиган қисқартirilган иш кунини ёки иш ҳафтаси белгиланди. Бундан ташқари, хотин-қизларнинг меҳнат таътиллари-га қўшимча кунлар жорий

этилмоқда. Шунингдек, пленумда жорий йилда кам таъминланган оилаларга дори-дармонлар учун 1 миллион 370 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилгани, янги ўқув йили арафасида меҳнатқашларнинг фарзандлари учун Боғи Эрамда ажойиб тадбир ташкил этилиб, 1 миллион 600 минг сўмлик ўқув қуроллари берилгани, тармоққа қарашли «Ўзбекитуризм» Миллий компаниясида жамоа шартномасига мувофиқ 12 ёшгача бир нафар фарзанди бўлган аёлларга меҳнат таътилига икки кун, икки нафар фарзанди бор аёлларга беш кун, уч ва ундан кўп фарзанди бўлганларга етти кун қўшимча таътил беришга эришилганлиги ҳам таъкидлаб ўтилди. Пленумда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА, «Ишонч» мухбири.

Биз «Пахтабанк»нинг Жиззах вилоят бошқармасида қилинаётган ишлардан бир мисол келтирдик, холос. Банк томонидан кичик ва ўрта бизнес субъектларини кредитлаш йилдан-йилга ошиб бормоқда. Хусусан, 1999 йил 1 январь ҳолатига кўра тадбиркорларга бор-йўғи 32,6 миллион сўм қарз берилган бўлса, 2001 йил 1 ноябрга келиб бу рақам 948,4 миллион сўмни ташкил қилди. Шундан 822 миллион сўмдан олтигини банк ўз маблағи ҳисобидан ажратди. Ҳўш, бунга қандай эришилапти? Биринчидан, кейинги пайтларда банкда аҳоли бўш пул маблағларини жалб қилиш борасида анча ишлар амалга оширилди. Жумладан, банк томонидан аҳолига фойдали, фойзи юқори бўлган омонат турлари тақлиф этилмоқда. Масалан, янги «Ҳосил» омонатига йилга 55 фоизгача даромад тўлаш белгиланган. Натижанда ўтган 10 ой ичида жалб қилинган омонатлар миқдори 272 миллион сўмга ошди. Мижозлар сони эса 146 нафарга кўпайди.

Иккинчидан, банк ходимлари томонидан тадбиркорларга берилган қарзларни тўғри ёки нотўғри ишлатиётганини устидан доимий назорат ўрнатилган. Ҳар ойда кредит ҳисобига олинган қарз ва моллари, паррандалар, техника, эҳтиёт қисмларнинг ҳолати таҳлил қилинади. Бундан ташқари, олинган қарз молларини ҳар хил касалликларга қарши эмлаш, молхоналарни қишга тайёрлаш, ем-хашак захираларининг мавжудлиги ҳақида

ҳам ахборотлар тайёрланади. Олинган кредит ва унинг фойдаланиш ўз вақтида қайтаришда ҳам мониторинг ўрнатилган. Юқоридagi амалга оширилган ишлар ва миждозларга қулай ҳамада тезкор хизмат кўрсатиш натижасида банк сармоясига кундан-кунга ошиб бормоқда. Масалан, бошқарма устав сармоясига ҳозирги кунда 493,9 миллион сўмни ташкил этди. Бу — йил бошига нисбатан 101,5 миллион сўм кўп, демакдир. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 24 мартдаги «Банк тизимини ислоҳ қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорини ҳаётга татиқ этган ҳолда бошқарма ва унинг туман бўлиmlари томонидан ўз фойдасининг 25 фоизи ҳисобига кичик ва ўрта бизнес субъектларини, деҳқон-фермер ҳўжаликларини имтиёзли кредитлаш жамғармаси ташкил этилди. Ана шу жамғарма ҳисобидан шу йилнинг ўзида тадбиркорларнинг 47 нафарига 67,5 миллион сўмлик имтиёзли қарз берилди. Ҳаммадан ташқари, банкнинг бошланғич сармоясини шакллантириш мақсадида 8,5 миллион сўмлик имтиёзли кредит захираси жалб қилинди. Бундан 9 та фермер ҳўжалиги фойдаланди. Улар 1580 бош йирк ва 1787 бош майда шохли моллар сотиб олдилар. Фермерлар томонидан 70 тоннадан ортиқ гўшт ва 46 тоннага яқин сут маҳсулотлари тайёрланди. Масалан, Зарбдор туманидаги «Севинч» фермер ҳўжалиги олинган 1,5 миллион сўм қарз эвазига чорвачилик билан шуғулланди. «Олтин бошоқ»

Сув танқислиги шароитида ишсизлик муаммосини ечишнинг бирдан-бир йўли бу кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, қўшма корхоналар очиндир, — деди «Туркистон-пресс» мухбирига Чимбой туманининг ҳокими Қ.Додимбоев.

## МУАММО ЕЧИМИНИ ТОПМОҚДА

Яқин кунларда Туркия билан терини қайта ишловчи қўшма корхонани очиш юзасидан ишлар олиб борилмоқда. Ҳозирги кунда валюта кредити ва ускуналар сотиб олишга ҳужжатлар тайёрланди. Шунингдек, «Чимбой момиги» акциядорлик жамиятида Германия, Россия билан момиқ, қалава ип ишлаб чиқарадиган, «Чимбой-мой» акциядорлик жамиятида Франция билан кунгабоқар ёғини қайта ишлайдиган, «Чимбой-агроекоинвест» акциядорлик жамиятида қандолат маҳсулотларини ишлаб чиқарадиган цехлар очиш режалаштирилмоқда. Мазкур ишлар қишлоқ жойларидан олиб борилади. Масалан, Қ.Авезов номли деҳқон-фермер ҳўжаликлари уюшмаси ҳудудидаги «Раҳим» фермер ҳўжалигининг қорамолчилик фермасида сутни қайта ишлаш цехи, «Кенгес» деҳқон-фермер ҳўжаликлари уюшмаси ҳудудидаги кичик корхонада қандолат ва мөва қуритадиган цехлар очиш назарда тутилмоқда.

## МИКРОКРЕДИТ САМАРАСИ

«Пахтабанк»нинг Тўйтепа бўлими ўртақчилик туманида очилган «Умар ота» фермер ҳўжалигига энг кам фойдали микрокредит ажратди. Уч йил мuddатга берилган бир миллион сўм банк маблағини фермер ўз ҳўжалигига бошланғич сармоя сифатида ишлатади ва йилга атиги тўрт фоиз устима тўлайди. Айни кунларда яна иккита кичик ва ўрта бизнес субъектларига ана шундай имтиёзли қарз бериш режалаштирилмоқда. Хусусий тадбиркорлики молиявий қўллаб-қувватлашга, уларнинг иши юриши кетишига қатъи эътибор берамиз, — дейди банк бошқарувчиси Шарофутдин Саримсоқов. — Жорий йилнинг ўтган ўн бир ойи мобайнида 14 та кичик ва ўрта бизнес корхонаси

ҳамда фермерга умумий миқдори 65 миллион 270 минг сўм бўлган имтиёзли кредит ажратди. Бу маблағлардан фойдаланиш кўлами эса кенг. Тадбиркорлар кредит ҳисобига қорва моллари, техника, уруғлик, эҳтиёт қисмлар сотиб олишмоқда ва шу орқали ишлаб чиқаришни кенгайтирмоқда. Энг асосийси, кичик ва ўрта бизнесга ажратилаётган имтиёзли кредитлар тадбиркорларнинг «Бизнес режа»ларига мувофиқ самарали ишлатилмоқда ва Фойзалари ўз вақтида қайтарилмоқда. Банк бўлими эса ана шу қайтарилган фойзалар ҳисобига декабр ойида бир неча тадбиркорга яна 7 миллион сўм миқдорида микрокредит ажратиш имкониятига эга бўлди.



Кейинги пайтда Косон автомобил йўллари меҳнатда янги кўрсаткичларга эришмоқдалар. Маъмурият ҳамда қасаба уюшма ташкилотлари томонидан соҳа меҳнатқашларини ижтимоий ва иқтисодий ҳимоя қилинаётганлиги ҳамда кўнгилдагидек иш ва дам олиш шароити яратилиб, илгорлар ўз вақтида рағбатлантирилаётгани ютуқларга эришишда асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда. **Суратда: Косон автомобил йўлларида фойдаланиш бошқармаси бошлиғи Н.Ғофуров (ўртада) илгор ишчи Р.Йўлдошевга меҳнатда эришган ютуқлари учун қимматбаҳо совға топшираётган пайт. Ш.СУЛТОН олган сурат.**

## Мирзачўл тарихида 1-механизациялашган кўча жамланма алоҳида ўрин тўтиб келган. Уттиз тўрт йил мобайнида захкаш ерларни ишга тушириш, ариқ ва зовурларни таязлашга улуш қўшган қурилиш ташкилоти қутилмаганда оқсаб қолди.

Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, шўрхоқ ерлар доғини ювиш, чўлқуварларга уй-жой қуриш ҳадисини олган 200 нафар киши ҳар томонга тўзиб кетди. Таассуфланарлиси, иқтисодий бакуват ташкилот қаддини укувсиз раҳбарлар букиб қўйди. Қадрлар танлашдаги хатолик, тўғри келган одамни жамоа етакчилигига қўйишдек яросиз усул панд берди. Бахт шахрида жойлашган Сирдарё тумани деҳқонлари мададкори бўлган жамоа нега бу қўйга тушди? Бу ҳақда батафсилроқ тўхталмоқчимиз.

Бундан уч йил илгари жамоада тартиб-интизом ҳам жойида, ҳисоб рақамида пул ҳам бор эди. Ишни бинойидек юритиб турган В.Минаев вазифасидан озод этилди. Унинг ўрнига талабгорлар кўп эди. Уч йилда ташкилот муҳри ўн тўрт мартаба қўлдан-қўлга ўтган фикримиз далилидир. Ташкилотни уч-тўрт ойча бошқарган раҳбарлар ҳали белгиланган вазифа билан танишиб улгурмасданок, ўрнини янгисига бўшатиб беради. Бундан кўриб оддий ишчи-юқорувчининг боши қотди. Чунки ҳар бир амалдорнинг ўз тартиби-ю, тоштарзиси бор эди-да. Бирови қурамыз деса, бош-

ботқоққа ботди. Ҳисоб-китоб ишлари издан чиқди. Мижозлар буюртма белик курсисига ўтиришга муяссар бўлди. Аммо у ҳам 3-4 ойда ишдан оли-

этибор беринг-а: 1999 йилнинг ҳисоботи бўйича кредиторлик қарзини 206320 минг сўмни ташкил этган бўлса, ўтган йил якунида бу кўрсаткич

## ХЎЖАСИЗЛИК

**200 НАФАРДАН ЗИЁД КИШИНИНГ ИШ ЎРНИНИ ЙЎҚОТИШИГА САБАБ БЎЛДИ**  
Ғасисизлик шу даражага бориб етдики, бу ерда ишлаб кетган бошлиғу бош ҳисобчилар мулк ва муҳим ҳужжатларни қонунчиликда белгиланган тартибда далолатнома асосида топширмаган, қабул ҳам қилдишмаган. Ишловчилар манфаати ҳеч қандай қизиқтирмаган. Мана, бу далилларга бир

ночор корхоналар ишлари ҳудудий бошқармаси бошлиғи Орзиқул Мўминов. — Шу йил 6 июлда кредиторлар билан келишув битимини тасдиқлаб фаолиятини соғломлаштиришга муҳлат берилди. Афсуски, шундан сўнг ҳам жўяли бирор иш қилинмади. Бу ерда ишловчилар манфаатини ўйлаб берилган имконият ҳам бечасар кетди. Уч-тўрт ойлаб кутиб маошларини олошмасдан сарсон бўлган ишчилар қардон жамоаларини бирин-кетин тарк этишди. Вилоят ҳўжалик суди эса парокандаликка юз тутган бу жамоани банкрот деб эътироф этди. Ваҳоланки, қурувчиларнинг ҳали Мирзачўлда амалга ошириши лозим

## Долзарб мавзу

бўлган ишлари кўп эди. Аммо раҳбарлардаги субтисизлик, бошқарувдаги укувсизлик жамоани жарга қулатди. Бу ҳолат ишда судралашга йўл қўйган ташкилот мутасаддиларига сабоқ бўлар, деб ўйлаймиз. Юртбошимиз Вазирлар Маҳкамасининг ярим йил якунига бағишланган йиғилишида «Банкротликка учрамасликнинг яна бир муҳим омил бу ўз бизнесини бошқаришни тақомиллаштириш, бошқача қилиб айтганда, менежмент санъатини пухта эгаллашдир...» дея уқтирган-ди. Бундан жиждий хулоса чиқариш вақти алақачон етди. **Н.ШАМСИЕВ, «Ишонч» мухбири.**

TV дастури 17-23 декабр ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

ДУШАНБА, 17

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

Телетомошабинлар диққатига! Профилактика муносабати билан душанба, 17 декабр куни «Ўзбекистон-1» телеканали кўрсатувлари соат 15.00 дан бошлаб кўрсатилди.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 «Давр тонги». 10.00 «Янги авлод» студияси: «Ким эгчил-у, ким чаксон?».

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.15 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 Болажонлар экрани. «Азиз».

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

16.00 Кўрсатувлар тартиби. 16.05 «Жив ва Вустер». Сериал.

21.00 «Время». 21.35 «Қалб қанотлари». Сериал.

СЕШАНБА, 18

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00 - 8.35 «Ахборот». 8.35, 17.55 ТВ-маркет.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 «Давр». Ахборот дастури. 9.15 «Мультимоша».

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.15 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 Болажонлар экрани. «Азиз».

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

16.00 Кўрсатувлар тартиби. 16.05 «Жив ва Вустер». Сериал.

00.10 «Ахборот» (рус тилида) 00.35 «Тунингиз ошуда бўлсин!»

ЧОРШАНБА, 19

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00 - 8.35 «Ахборот». 8.35, 17.55 ТВ-маркет.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 «Давр». Ахборот дастури. 9.15 «Мультимоша».

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.15 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТВДА сериал: «Санта-Барбара».

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

15.00 - 16.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.15 «CNN-шоу». 22.30 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.

ПАЙШАНБА, 20

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00 - 8.35 «Ахборот». 8.35, 17.55 ТВ-маркет.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 «Давр». Ахборот дастури. 9.15 «Янги авлод» студияси: «Оқ кабутар».

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.15 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТВДА сериал: «Санта-Барбара».

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

15.00 - 16.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.50 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви. 23.00 Кинематограф. «Истебодли жаноб Рипли».

ЖУМА, 21

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00 - 8.35 «Ахборот». 8.35, 17.55 ТВ-маркет.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 «Давр». Ахборот дастури. 9.15 «Мультимоша».

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.15 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТВДА сериал: «Санта-Барбара».

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

15.00 - 16.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

21.35 «Қалб қанотлари». Сериал. 22.15 «Дурдаршан».

ШАНБА, 22

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00 - 8.35 «Ахборот». 8.35 ТВ-маркет.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 «Давр». Ахборот дастури. 9.15 «Янги авлод» студияси: «Хамма нарсани билишни истаيمان».

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.15 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 Болажонлар экрани. «Моби Дик».

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

9.00 Кўрсатувлар тартиби. 9.05 «Дурдаршан».

21.30 «Нима? Қаерда? Қачон?» 22.40 «Оханграбо». Мусиқий шоу дастур.

ЯҚШАНБА, 23

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00 - 8.35 «Ахборот». 8.35 «Камалак». Болалар учун кинодастур.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

7.55 Кўрсатувлар дастури. 8.00 «Давр тонги». 9.00 «Янги авлод» студияси: «Буш утирма».

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.15 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 Болажонлар экрани. «Иван ва Марья».

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

9.00 Кўрсатувлар тартиби. 9.05 Болалар соати: «Аманда».

Арафа

Мухаммад алайҳиссаломга нисбат берилган хадисларнинг биринчи: «Хар бир киши дин ишларида (суннатимга) оид қирқ хадисни ёд олиб ва ёзиб, умматимга таълим берса, Оллоҳ таоло уни фақиллар ва олимлар зумрасига қўшгай»...

ҲИКМАТ САДОЛАРИ

ЁХУД ҲАДИСЛАРНИНГ ШЕЪРИЙ ТАЛҚИНИ

Ҳадисларни халқ орасида тарғиб-ташвиқ қилиш ва шу орқали пайгамбар шафоатида эришиш мақсадида қўлбала муҳаддис ва олимлар қирқ хадис жамъ қилиб, нашр этганлар. Чунки, Оллоҳ расулининг муборақ хадисларидан ҳеч бўлмаса қирқтагини ўрганиб, уни бошқаларга ўргатиш бу саодатга эришишнинг кафолати бўлган. Чунки, «Мухйиддин Нававий ва Мулла Жомий қирқ хадис нававийни, Алийул-Кори қирқ хадис қудсийни шу умидда ёзганларини айтдилар («Илохий хадислар», 9-бет).

Кейинчалик бу савобли ишга шоирлар ҳам қўл урдилар. Масалан, Абдурахмон Жомий одоб-ахлоққа оид қирқ хадис («Чирқил хадис»)ни шеърга солади. Алишер Навоий эса устозининг руҳини ва дуосини олиб, уларни «Арбаъин» номи билан ўзбек тилига ижодий таржима қилади. Бу анъанани уларнинг замондоши Хусайн Воиз Кошифий давом эттиради. Шундан кейин фақат XIX асрнинг охири — XX асрнинг бошларида яшаб ўтган шоир Мухаййир қирқта хадисни шеърга солгани маълум. Мумтоз анъаналарни давом эттириб, Абдулла Орипов «Ҳикмат садолари» (Эллик хадис) туркумини яратди.

А.Ориповнинг «Ҳикмат садолари» туркуми ўзбек шеърятига янги нафас олиб кирди. Ҳадисларга мурожаат қилишининг сабабини шоирнинг ўзи шундай тушунтиради: «... бизнинг маънавиятимиз қўшларидан бири дини Оллоҳдир. Қуръони карим, айниқса, Ҳадиси шариф фавқуллоҳда ҳикматларга бой. Айтиш мумкин, тугал ва гўзал байтлардир. Шеърятлар шеърятидир. Улар менинг руҳиятимни тодими ёки руҳиятим уларга омухта бўлиб кетдики — аниқ айтмайман. Ҳар ҳолда, мен ул ҳикматларни шеърга солмаган тақдиримда ҳам, барибир, илмий жиҳатдан тадқиқ этган бўлардим... Хусусан, мен Мухаммад алайҳиссалом ҳазратларини улғу файласуф, деб биланам. У зотнинг хадислари эса ўлмас бадий ташбеҳлар билан зийнатланган мукамал шеърый лаҳзалардир. Уларнинг бари болболаримнинг ҳам, жумладан, бизни ҳам гўзал мантқиқий кучи, жозибаси билан мафтун этиб келмоқда».

«Ҳикмат садолари» туркумининг асосий хусусиятлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин: а) шоир у ёки бу хадиснинг бевосита мазмунини бериш билан қифояланади; б) муқаддима ёки лирик чекинмиш қилиб, аввал ўқувчини айтилмоқчи бўлган фикрга тайёрлаб, кейин ўз фикрининг мантқиқий яқини сифатида пайгамбар хадисини келтиради; в) олдин пайгамбар хадисини келтириб, сўнгра уни ўз ҳаётий хулосалари билан яқинлайди; г) олам ва одам, эзгулик ва ёвузлик, ҳалол ва ҳаром, муҳаббат ва нафрат ҳамда бошқа масалалар хусусидаги ўз ҳаётий хулосаларини пайгамбар хадиси билан асослайди. Бу йўл хадисларнинг ўқувчи онига тез ва чуқур сингизишни таъминлаган.

А.Орипов қаламига мансуб шеърый хадисларни уч гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчи гуруҳга бевосита у ёки бу хадис асосида яратилган «Ҳазрати Одам», «Она», «Дўзахийлар», «Шайтон», «Марҳумлар шаъни», «Пахлашон» каби шеърлар кирди. Чунки, «Ҳазрати Одам» шеъри мейроҳ воқеаси билан боғлиқ. Маълумки, Мухаммад алайҳиссалом Жаброил воситасида Оллоҳ ҳузурига юксалганларида Иброҳим, Мусо, Исо каби пайгамбарлар билан қўришадилар. Улар орасида Одам алайҳиссалом ҳам бор эди. Пайгамбаримиз бу ҳақда шундай хикоя қиладилар: «... биринчи осмон ичкарисига кўтарилдик. У ерда бир киши ўтирибди. Унинг ўнг томонида ҳам, чап томонида ҳам одам гавжум. Ўнг томонига қараса — кулади, чап томонига қараса — йилғайди... Жаброил: «Бу — Одам алайҳиссалом ва мана бу ўнг ва чап томонида турганлар Одам болаларининг руҳларидир. Булардан ўнг томонидагилар — жаннат аҳли ва чап томонидагилар — дўзах аҳли. (Шунинг учун ҳам) Одам алайҳиссалом ўнг томонга қараганларида кулади, чап томонга қараганда йилғайдилар...» - дедилар...» (Имом Бухорий. «Ал-жомий ас-саҳиҳ». I-жилд. - Т., 1991, 108-бет). «Ҳазрати Одам» шеърида худди шу воқеа ўз аксини топади:

Жойлари осмонда бўлса ҳам магар Ҳазрати Одамга қийиндир гоят. Ўнг ёққа боққанда руҳлари яйлар, Чап ёққа боққанда уртанар фақат.

Бир томон — жаннатнинг фусункор боғи, У роҳат гўшаси, ям-яшил макон. Бир томон дўзахдир, йўқдир адоғи, У ерда абадий азоб ва фиғон.

Кувнар, ўнган боқиб Ҳазрати Одам, Чап ёққа боққанда ошар нола. Бир насли жаннатта ноил бўлса ҳам, Дўзахда ёнмоқда битта боласи.

Олдига келгани қайтармай емоқ Аслида ақли йўқ ҳайвоннинг иши. Озига келгани қайтармай депоқ Ноқису бефаҳм, нодоннинг иши.

Таважжуҳ айлади Тангри таоло, Муқаддас саналди инсон деган ном. Инсонни эътироф этмаган асно Иблис ҳам қувилди Аршдан батамом.

Кўзининг ўнгида ўсгандек экан, Раббин ҳам огоҳдир ҳар зум ҳар ишдан. Рўзю парҳезда муддат бор, лекин Ҳамши ҳазар қил ҳаром-ҳаримдан.

Учинчи гуруҳга хадисларга эргашиб, улар таъсирида ёзилган маънавий-ахлоқий мавзудаги «Шоҳ ва гадо», «Ҳаж», «Ҳазина», «Фарзанд», «Мавҳум зот» каби шоирнинг ўз шеърлари кирди. Бу хадисни муаллифининг ўзи шундай изоҳлайди: «Туркумдаги баъзи шеърларнинг мазмунини, шаклини қурилмасини ўзим топаганам... Бироқ улар Қуръон сураларига мувофиқдир, улар пайгамбар алайҳиссалом панду насихатларига сира ҳам зид келмайди». Чунки, «Мавҳум зот» шеърида иймон-эътиқоддан маҳрум, кўнгида худоси йўқ, замоннинг ўзгаришига қараб турлашиб-тусланувчи буқаламун кимсанинг жоҳеаси қаламга олиндики, шоирнинг ўзи эътироф этганидек, бу бадийий тўқима исломий таълимнинг умумий мазмунига зид эмас:

Юрта подшоҳ бўлди бир кун мусулмон, Бир осий ўша кун мусулмон бўлди. Юрта подшоҳ бўлди бир кун насорон, Ул банда ўша кун насорон бўлди.

Тоғу тахт дунёда айланар пайваст, Шоҳлар гоҳ дарवेश худлараст бўлди. Подшоҳ бўлганда юрта бутпараст, Ул банда ўша чоғ бутпараст бўлди.

Шундоқ яшди у фойи ҳаётни, У найранг кўргазди хатто Холиққа. Охира кунда мавҳум бул зотни Утказиб қўйдилар учта қозққа.

Маълумки, ўтмиш шоирлар хадисларнинг мазмунини шеърга солишинигина асосий мақсад қилиб олганлар ва шунга мос ҳолда, аввал муайян хадисни келтириб, кейин унинг шеърый таржумасини тақдим этганлар. А.Ориповнинг мақсади эса, умуман, ислом таълимоти ва хадисларга сунъиб, маънавий-ахлоқий шеърлар туркумини яратишдир. Шунинг учун ҳам у эркин йўл танлайди. Ҳадисларнинг мазмунини алоҳида кўрсатиб ўтмайди. Балки хадислар асосида шеър яратиш, ҳаётий хулосаларини пайгамбар фикрлари воситасида асослаш билан бирга, туркумга хадислар руҳида ёзилган ўз шеърларини ҳам қўшиб юборади.

Хулоса қилиб айтганда, шоирларнинг хадисларга мурожаат қилишини қуйидаги сабаблар билан асослаш мумкин: улар замоннинг маънавий эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда, шеърга солиш учун ўзларининг ахлоқий принципларига мос келадиган хадисларни танлаганлар, бу хадисларнинг мазмунини халққа кенг-роқ ва чуқурроқ тушунтириб бериш орқали кишиларни ҳидоятга — инсонни қамолотга етказадиган йўлга қиъват этганлар.

Эргаш ОЧИЛОВ, филология фанлари номзоди.

Дил амри

СОБИҚ ЎҚУВЧИЛАР ҲАШАРИ

Султонбой Қуриёзов бир қанча пайт ўзи туғилиб ўсган «Ўзбекёп» кишлоғидаги 35-мактабда ўқитувчи, кейинчалик кишлоқ фуқаролар йигини раиси вазифасида ишлади. Бундан 5 йилча олдин мазкур мактаб директорлигига тайинланди.

Яқин-яқингача уни битта муаммо ўйлантириб келарди. У ҳам бўлса, мактаб биносини, синф хоналарини шарқона усулда сифатли таъмирдан чиқариш эди. Бу катта маблағ талаб қиларди, албатта.

Шу йил сентябр ойида «Гулистон» ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Илёс Оллоберганов билан ушбу масалада гаплашди. — Шу десангиз, раис бова, сизларни ўқитувчилар ва мураббийлар кўни муносабати билан бир пиёла чоғига тақлиф қилмоқчи эдим, — деди С.Қуриёзов тортиниброқ. Бироқ мақсадни дангал айтолмади.

— Домла, чойни кейинроқ ичармиз, ишлар тигиз, лекин байрам билан табриклашга ўтаман. — Фақат ўзингиз эмас, яна 20 нафар раҳбарни ҳам тақлиф этсангиз, — дея мақсадга кўчди у. Шу кўни у раис хонасидан қувониб чиқди. Хўжалик раҳбари уни тўғри тушунди ва ташаббусини маъқуллади. Негаки шу мактабда таълим-тарбия олган ўнлаб собиқ ўқувчилар турли жабҳаларда ишлашяпти. Ниҳоят, бир пиёла чой устидаги суҳбатда биринчилардан бўлиб, хўжалик ширкат бошқаруви раиси И.Оллоберганов, туман ижтимоий таъминот бўлими бошлиғи Ҳайитбой Хударганов, туман уй-жой қурилиш бошқармаси бошлиғи Саъдулла Раҳимов, тиш даволаш поликли-

никаси бош шифокори Озодбой Алиев ва бошқалар биттадан синф хонасини таъмирлаш учун кетадиган барча харажатларни ўз зиммаларига олишди. Ниҳоят холис экан — 820 нафар ўғил-қиз таҳсил олаётган мактаб ўзгача тус олди. Ўқитувчи-ю ўқувчилар ўз кишлоқларидан етишиб чиққан раҳбарларнинг саховатпешалигидан мамнун бўлишди.

Ҳа, айтгандай, бундай мактаб вилоятда ягона дейиш мумкин. Сабаби мактабнинг олд томонида 100 тупдан ортиқ гўжум ва 50 тупга яқин арча дарахтлари экилган бўлиб, худди ўрмонзорни эслатади. Юз марта эшитгандан бир марта кўрган афзал, дейишади. Шундай экан, яхшиси, Қўшқўпирга йўлингиз туша, албатта, 35-мактабга бир кириб ўтинг.

Болтабой ЭРНАФАСОВ, «Ишонч» мухбири.

Қорақалпоғистондан хабар

ТИЛ ҲАФТАЛИГИ

Ажиниёз номидаги Нукус Давлат педагогика институти қошидаги академик лицейда қорақалпоқ тилига давлат тили мақоми берилганининг 12 йиллигига бағишлаб «Она тили» ҳафталиги ўтказилди.

Ҳафталик кунлари ўқувчилар орасида «Она ва бола - умр гули» иншолар танлови ўтказилди. Танловда қирққа яқин ўқувчилар қатнашиб, улардан Обид Сафаров, Яхшилик Мамутовлар голиб бўлди. Шунингдек «Ёш тилчилар» танлови ҳам қизилқарли ўтди. Беш босқичда ўтказилган танлов голибларига совғалар топширилди.

Академик лицейнинг қорақалпоқ тили ва адабиёти фани ўқитувчилари А.Есимбетова, Г.Машарипова, К.Саъдуллаевлар ҳафталик ташкилотчилари бўлишди.

Ўзбекистон ёқилги-энергетика, геология ва кимё саноати ходимлари қасаба уюшмаси Марказий Қўмитаси «Ўзбурғнефтьгаз» компанияси қасаба уюшма бирлашган қўмитасининг раиси Ф. Қурбонова онаси Ревза ҚУРБОНОВНИНГ вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Қасаба уюшмалари Жиззах вилоят кенгаши ҳамда агросаноат мажмуи ходимлари қасаба уюшмаси вилоят қўмитаси Бахмал тумани агросаноат мажмуи ходимлари қасаба уюшма қўмитаси раиси Муборақ Абдураззоқовага умр йўлдоши Олимжон ИСКАНДАРОВНИНГ вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Енгил атлетика

Жиззахдаги олимпия захиралари колледжиде енгил атлетика бўйича биринчи республика чемпионати якунига етди. Мусобақаларда 250 спортчи иштирок этди. Улар орасида Ўзбекистон ва Осий биринчилиги голиблари, жаҳон чемпионати ва олимпияда қатнашчилари бор.

ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Гапнинг очиги, Жиззах республикамизининг спорт шаҳарларидан бирига айланиб қолди, дейди Тошкент вилояти терма жамоаси мурабийси В.Смирнов. - Кейинги йилларда бу вилоятда йирик спорт мусобақалари ўтказилмоқда.

12 декабр кун чампионатнинг илк беллашуви - 60 метр масофага тўсиқлар оша югуриш мусобақаси билан бошланди. Бунда андижонлик Алексей Обжигайло 8,2 сония натижа кўрсатиб биринчи ўринни эгаллади. Аёллар баҳсида эса пойтахтлик Элвира Габдраҳимова 8,6 сония натижа билан голиб бўлди.

60 метрга югуриш мусобақасида эса эркаклар ўртасида 6,8 сония натижа кўрсатган сирдарёлик таниқлик спортчи Анвар Кўчмуродов голибликни қўлга киритди.

Шу кун енгил атлетиканинг бошқа турлари бўйича ҳам мусобақалар ўтказилди. Кеча кечқурун чемпионатнинг тантанали ёпилиш маросими бўлди. Мусобақалар мобайнида терма жамоалар енгил атлетиканинг 10 тури бўйича ўзаро куч синашди. Умумжамоа ҳисобида Тошкент шаҳри 1 жамоаси биринчи ўринни қўлга киритди. Иккинчи ўрин Тошкент вилояти спортчиларига, учинчи ўрин самарқандлик енгил атлетикачиларга насиб этди.

Ғолибларга совринларни Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси раиси С.Рўзиев топширди.

Йўлчи ЖўРА, ҲЗА мухбири.

Халқаро дастур доирасида

«ГУГУРТЛИ ҚИЗАЛОҚ»

Болалар ва ёшлар театрлари халқаро уюшмаси Ўзбекистон ёшлар театрини ҳам ўзига аъзо қилиб олган. Шу сабабли ҳам бу нуфузли ижодий уюшма доирасида уюштирилётган фестивал ва қуриқларга санъат кошонаси фаол қатнашиб келмоқда.

Жанубий Кореянинг Сеул шаҳрида ўтказиладиган навбатдаги халқаро фестивалга театр тақлиф қилинди. Бу жиддий ижодий синонга тайёргарлик иш-

лари бошлаб юборилди. «Гугуртли қизалоқ» деб номланган постановка ҳам фестивал дастурига киритиладиган бўлди. Ҳозир уни сахнага олиб чиқиш устида қизгин иш бормоқда.

Янги постановка мазкур халқаро уюшманинг навбатдаги 14-умумжаҳон анжумани доирасида уюштирилган томоша дастуридан ҳам ўрин олади.

Биласизми?

Тўпалон дарёси жанубий Ҳисор тоғларидан бошланиб, Сурхондарёга қуйилади. Шовкин солиб, тез оққани учун одамлар унга шундай деб ном беришган.

Ана шу дарёнинг юқори тоғли қисмида форел балиғи учрайди. Бу хил балиқ Ўзбекистонда фақат шу жойда бор. Бу балиқларнинг узунлиги 25-30 сантиметр ва оғирлиги 200 граммдан 1 килограмгача етади.

ГУЛ БАЛИҚ

Балиқ жуда чиройли бўлиб, танасидаги тангачалар ҳар хил рангда товланиб туради. Шу боисданми уни «Гул балиқ» деб аташади.

Гул балиқ доимо совуқ ва тез оқувчи дарёларда учрайди. У ўзининг туҳумларини кўзининг охири ва қиш бошланishi билан қўяди. Икрасининг сони 2 мингдан 4 минггача бўлади. Бу балиқ ўзининг гавада тузилиши, гўштининг ширинлиги жиҳатидан ўрта Осий балиқлари орасида ажралиб туради.

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ! Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар! Савдолар 2002 йил 17, 24, 31 январ, 7, 14, 21, 28 феврал кунлари соат 11.00 да Республика Биржалар маркази биносиде ўтказилади. Савдоларга қуйидаги объектлар қўйилади: 1. Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мустафо Камол Отатурк кўчаси, 1-уйда жойлашган «Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компаниясининг биноси. Бошланғич баҳоси - 3665,5 минг АҚШ доллари. 2. Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани, «Фаргона йўли» кўчаси, 13/7 уйда жойлашган ошхона биноси. Бошланғич баҳоси - 4500,0 минг сўм. Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар! Имкониятингизни бой берманг! Харидорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишига 1 соат қолганида тўхтатилади. Ушбу объектларга қизиқиши бор хорижлик сармоядорлар, ишбилармон юртдошларимиз Республика Кўчмас мулк биржасига мурожаат қилишларини сўраймиз. Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-уй, Республика Биржалар маркази биноси, 3-қават, 44-хона, Республика Кўчмас мулк биржаси. Маълумот учун телефонлар: 136 26 26, 136 28 75 Факс: 136 06 17

ISHONCH МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ

Тахрир хайъати: Эркин Воҳидов, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Мирғиёс Қаюмов (бош муҳаррир), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзоҳид Содиқов. E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43. Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган. Босишга топшириш вақти - 21.00. Топширилди 21.35

Маълумоти: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134. Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерда терилди ва сақланган. Оффсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.